# ХАЛҚ ИШОНЧИ — ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Табиий газ билан таъминлаш вилоят бўйича 76 фоиз, қишлоқ жойларда эса 64 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич Оҳангарон туманида 25, Бўкада 28 фоиздан, Бекобод, Оққўрғон туманларида эса 50 фоиздан ошмайди.

Лекин, аҳвол шундай бўлишига қарамай, янги газ тармоқларини ишга тушириш топшириқлари Оққўрғон, Бўка туманларида атиги 40 фоизга бажарилган, холос.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ халқ хўжалигининг бу етакчи тармоғини тубдан ислоҳ қилишга Юртбошимиз катта аҳамият бериб келмоқда. Шу мақсадда қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинди ва уларни амалга ошириш услублари ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келгани, фермер, деҳқон хўжалиги, ижара ва оила пудрати услубида иш олиб борилаётгани бунинг яққол далилидир. Кўзланган асосий мақсад ерни, мулкни ҳақиқий эгасига топшириб, ердан самарали фойдаланиш, лўнда қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини даромад келтирадиган соҳага айлантиришдир.

Лекин, таассуфлар бўлсинким, Тошкент вилоятида бу соҳада амалга оширилаётган ишлар талабга жавоб бермайди.

Бир пайтлар Тошкент вилоятида ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан қатор йиллар пахтадан юқори ҳосил етиштирган, эл-юрт назарига тушган миришкор пахтакорлар, уларнинг шогирдлари, айтиш мумкинки, ўзига хос деҳқончилик мактаблари бор эди, деди Президент.

Нима, ҳозир Тошкент вилоятида ҳалол меҳнат қилаётган, юқори ҳосил етиштиришга интилаётган деҳқонлар йўқми? Улар бор, албатта! Лекин айрим раҳбарларнинг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги оқибатида бундай фидойи деҳқонларимизнинг йўли очилмаяпти, меҳнати қадр топмаяпти, энг ачинарлиси, уларнинг ибратга молик тажрибалари назардан четда қолмоқда.

Ўтган йили вилоят пахтакорлари 258 минг тонна пахта етиштириб, шартнома топшириқларини аранг 92 фоизга етказган эдилар.

Бу йил эса аҳвол ундан ҳам ёмонлашди. Ҳосилдорлик 20 центнердан ҳам ошмади. Белгиланган режа 82,5 фоизни ташкил қилди, холос.

Афсусланадиган жойи шундаки, кўплаб туман ва хўжалик раҳбарлари деҳқонларнинг пешона тери билан етиштирган ҳосилини ўз вақтида, қор-қировли кунларга қолдирмасдан териб олишни етарли даражада ташкил қила олмадилар.

Оқибатда ҳосилнинг талай қисми далаларда қолиб кетди. Ҳосилнинг бор-йўғи 14 фоизи машиналар билан териб олинди. Мавжуд 1000 дан ортиқ машиналарнинг ярми ҳам ишламади.

Энг ёмони шуки, айрим туман ва хўжалик раҳбарлари мавжуд терим агрегатлари ва ишчи кучларидан фойдаланиш ўрнига, "қачон ўқувчилар, ёрдамчилар пахта теримига келади", деган боқимандалик кайфиятида юришди. Оқибати не бўлгани ҳозиргина айтиб ўтилди. Бу кайфиятга қачон чек қўйилади?

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, кейинги вақтда, тўғрироғи, бу йилдан бошлаб, вилоятда ғаллачиликка бўлган муносабат ижобий тарафга ўзгарди. Сувли ерларда ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 9 центнерга ошди. Бунинг натижасида ғалла сотиш шартномаси 103 фоизга бажарилди.

Паркент, Қибрай, Зангиота ва Тошкент туманларида ҳосилдорлик 40 центнерга етди. Деҳқончиликда янги усулларни жорий этишнинг натижаси ўлароқ, бир қанча оилавий пудратчилар 50 центнердан ошириб хирмон кўтардилар.

Деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, ердан тўғри ва самарали фойдаланиш, ерни эъзозлаш қандай самара беришини мана шу мисолда ҳам яққол кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги муаммолар ҳақида сўз юритар эканмиз, бу соҳадаги илмий муассасаларимиз, олимларимизнинг ишларига нисбатан жиддий эътирозларимизни рўй-рост айтишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Вилоят ҳудудида жойлашган қатор илмий-текшириш институтларининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, айниқса, **ҳар бир ҳудуд иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда эртапишар ва серҳосил янги навларни яратиш ва деҳқонларимизга етказиб бериш борасидаги ишлар бизни мутлақо қониқтирмайди.**

Аччиқ бўлса ҳам айтишим керак: уруғшунос олимларимиз фаолиятида амалий ишдан кўра, қуруқ ваъзхонлик, ваъдабозлик устунлик қилмоқда.

Кейинги йилларда вилоятда чет эл инвестицияларини иқтисодиётга жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, четга маҳсулот экспорт қилиш борасида ҳам бирмунча яхши ишлар амалга оширилди. Ҳозирги вақтда вилоятда 105 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида вилоятга 43 миллион АҚШ доллари ҳажмида чет эл сармояси ётқизилди. Қўшма корхоналар томонидан 9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 41 миллион АҚШ доллари миқдоридаги рақобатбардош маҳсулотлар экспорт қилинди.

Маълумки, мамлакатимизнинг энг йирик саноат корхоналари шу вилоятда жойлашган, улар Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади.

Йил давомида вилоят саноат корхоналарида 101 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ўсиш суръати 105 фоизни ташкил қилди. 42 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бу ютуқлар мавжуд саноат корхоналарини замонавий, жаҳон андозаларига мос технологиялар билан жиҳозлашни йўлга қўйиш натижасида қўлга киритилди.

Ютуқларни холисона эътироф этиб ва тан олиб, вилоят истиқболини ўйлаган ҳолда, табиий бир саволга жавоб топишимиз керак, деди Президент.

Бугун Тошкент вилоятидаги барча саноат корхоналари ҳам тўла қувват билан ишлаяптими ёки йўқми? Бугун уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорини топаяптими, бозор талабига жавоб берадими?

Вилоят саноат корхоналари фаолиятининг атрофлича таҳлили шуни кўрсатадики, улардаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 62 фоиздан ошмас экан. Кўряпсизки, қанчадан-қанча имкониятлар ишга солинмай ётибди!

Вилоятдаги 81 корхонада техника ва ишлаб чиқариш технологиялари эскирган бўлишига қарамай, 3 миллиард сўмликдан ортиқ янги замонавий ускуналар ўрнатилмаганига нима дейиш мумкин?

Корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори камаймаяпти. Молиявий хўжалик фаолияти ўрганилган 167 та корхонанинг 136 таси иқтисодий ночор экани аниқланди. 21 та корхона йилни қарийб 276 миллион сўм зарар билан якунламоқда.

Аҳолига маиший, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, уларнинг турларини кўпайтириш бўйича ҳам вилоятдаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Аҳоли жон бошига кўрсатилган маиший хизмат йилнинг ўтган даврида вилоят миқёсида 377 сўмга тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Оҳангарон, Юқоричирчиқ ва Пискент туманларида 80-140 сўмдан ортмади. Вилоят қишлоқларида бутун бир йил мобайнида атиги 60 та маиший хизмат шохобчаси ишга туширилиб, уларда 83 та ишчи ўрни ташкил этилган, холос.

Бу аҳволни қандай баҳолаш мумкин?

Ҳуқуқий-демократик, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, бунда қонунга, қонун устуворлигига ҳамма баробар итоат ва риоя қилишини таъминлаш масалаларига тўхталар экан, давлатимиз раҳбари қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди.

Қонун олдида ҳар қандай мартабадаги раҳбар ҳам, оддий фуқаро ҳам тенгдир. Бунга амалда эришиш учун аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни ўстиришга алоҳида эътибор қилишимиз керак.

Вилоятда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам қатор ижобий тадбирлар амалга оширилди.

Лекин, кўрилган чораларга қарамасдан, шу йилнинг ўтган даврида жиноятчилик 4 фоизга, оғир жиноятлар эса 3,5 фоизга кўпайган. 11 ой давомида 145 та қотиллик содир этилиб, улардан 18 таси ҳалигача очилмаган.

Жиноятлар кўпайиши асосан Бекобод, Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарлари ҳамда Бўстонлиқ, Зангиота, Қуйичирчиқ ва Ўртачирчиқ туманларида кузатилмоқда.

Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ўзлари томонидан жиноятлар содир этилиши ҳоллари учрамоқда. Бу масалани чуқур ўрганиш ва кескин чоралар кўриш талаб этилади.

Маълумки, Тошкент вилояти — мамлакатимизнинг чегара вилоятларидан бири. Бу ҳол бугунги кунда яна бир муаммони келтириб чиқармоқда. Сўнгги вақтларда ўзимизнинг ҳудуддан, ўз бозорларимиздан озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, гўшт, ёғ, нон, шакар, совун, болалар озуқаси каби зарур моллар кўп миқдорда четга олиб чиқиб кетилмоқда.

Бундай аҳволнинг асосий сабаби — қўшни мамлакатларда мана шу молларнинг нархи бизга нисбатан солиштирганда кескин кўтарилиб бораётганида. Баъзи молларнинг нархи биздагига нисбатан 2-3 баробар қиммат бўлгани учун, мўмай даромад кетидан қувган чаққон кимсалар, ўзимиздан чиққан олибсотарлар шундан фойдаланмоқда. Бу ҳаракатларнинг нимага олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Нарх нима учун ошади?

Содда қилиб айтганда, бозорда мол етишмовчилиги мавжуд бўлса, одамларнинг эҳтиёжини қондиришга етмаса, нарх-наво муқаррар равишда ошади. Мол кўпайса — нарх пасаяди, мол етишмаса — нарх ошади.

Шу муносабат билан бир саволга жавоб берайлик, деди Ислом Каримов. Хўш, бугунги вазиятдан фойдаланиб, ўзимиз учун зарур бўлган молларни четга олиб чиқаётган кимсалар ҳаром-ҳариш йўллар билан даромад топаяпти ҳам, дейлик. Лекин улар оқибатини ўйламайдими?

Халқимизнинг ризқи-рўзи, насибаси ҳисобидан бундай ҳаром даромад топиш эртага бозорларимизда нарх-наво ўзгаришига сабаб бўлмайдими?!

Нопок йўл билан топилган бойлик бир кун тешиб чиқмайдими?!

Мавжуд вазиятни инобатга олиб, мен ҳокимлар ва маъмурий идораларнинг вакиллари олдида шу масалани қатъий қўймоқчиман. Қонун бўйича бу молларни мамлакатимиздан четга олиб чиқиш маън этилган. Бу нохуш ҳаракатларнинг олдини олишда аввало сизлар шахсан жавоб берасизлар. Агар эл-юрт насибасини қўриқлашга қурбингиз етмаса, жамоатчиликни, халқни ёрдамга чақириш керак.

Бу гапдан бошқа чегара вилоятлари ва туманларининг раҳбарлари, маъмурий идораларнинг ходимлари ҳам тегишли хулоса чиқариб олсинлар. Билиб қўйинглар, талаб қаттиқ бўлади.

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси раҳбар аввалло ўз халқини ўйлаши, унинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириши керак.

Самарқанд, Навоий вилоятларида раҳбарлик курсисида ўтирганлар томонидан адолат мезонларининг бузилиши, раҳбар деган номга доғ тушириш каби содир этилган нохуш ҳолатлардан мамлакатимиз аҳли хабардор, албатта.

Бундай ҳолатларни ўз вақтида пайқаб, аниқлаб, пайи қирқилмаса, ёмон оқибатларга олиб келиши муқаррардир.

Хўш, қариндош-уруғчилик, гуруҳбозлик, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш каби иллатлар бошқа жойларда, жумладан, Тошкент вилоятида учрамайдими?

Шундай қусурлари учун бундан бир йил муқаддам вилоят ҳокимининг айрим ўринбосарлари ва бир-иккита туман ҳокимлари ёш, ана шундай иллатлардан холи бўлган кадрларга алмаштирилганди. Қолган раҳбарлар бундан ўзига кераклик хулоса чиқариб олиши лозим эди.

Афсуски, ҳамма ҳам бундан тўғри сабоқ чиқара олмади. Шу йилнинг май ойида вилоят ҳокимининг ўринбосари — иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғи Б.Ҳосилов, молия бошқармасининг бошлиғи С.Тошхўжаев ва бошқалар хизмат мансабларини суиистеъмол қилиб, жиноят содир этдилар.

Энди улар тегишли жойларда қилган номаъқулчиликлари учун қонун олдида жавоб бермоқдалар.

Босар-тусарини билмай қолган айрим ноқобил раҳбарлар ҳар қандай номаъқулчиликнинг ҳам чегараси ва жавобгарлиги борлиги муқаррар эканини унутмаслиги даркор.

Албатта, биз ҳокимларнинг қариндошлари раҳбарлик лавозимларида ишлаши мумкин эмас, деган фикрдан йироқмиз, деди Президент. Улар орасида ўзининг юқори мартабали қариндошини пеш қилмасдан, тинч ва ҳалол меҳнат қилаётган кишилар оз эмас. **Лекин ҳоким бўлиб келгандан кейин, ўз жойида туппа-тузук ишлаб турган раҳбарни бўшатиб, ўрнига ўзининг қариндошини ёки оғайнисини тиқиштираётган кимсалар билан асло чиқиша олмаслигимизни яна бир марта кескин таъкидламоқчиман.**

Афсуски, Тошкент вилоятининг айрим туман, шаҳарларида ҳам қариндош-уруғчиликка берилиш каби иллатлар мавжуд. Яқинда юқори ташкилотлар аралашувидан кейин Бекобод шаҳар ҳокими Ж.Насриддинов 3 нафар қариндошини раҳбарлик лавозимига тайинлашда йўл қўйган хатосини ўз қўли билан тузатишга мажбур бўлди.

Самарқанд, Навоий вилоятлари сессияларида айтиб ўтилган иллатлар оқибати, бугун келтириб ўтилган мисоллар ҳар бир раҳбар ходим учун сабоқ бўлиши керак.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг эътиборингизни яна бир ғалати одатимизга қаратмоқчиман, деди Ислом Каримов.

Кўпинча эшитиб қоламан: у ёқда тўй бўлибди, бу ёқда тўй бўлибди. Ҳа, нима бўлибди денг, фалон раҳбарнинг қизи анави каттаконнинг ўғлига тегибди, фалон вазирнинг ўғли анави амалдорнинг қизига уйланибди, анави ҳокимнинг ўғли манави прокурорнинг қизига кўнгил қўйибди ва ҳоказо.

Албатта, ҳар қайси ота-она ўз фарзандларининг бахтини, иқболини кўришни истайди. Ёшларнинг бир-бирига муҳаббат қўйиши, кўнглидаги ёрини топиши, севишиб турмуш қуриши ҳам табиий ҳол, албатта. Бу — ҳаёт. Бу масалада ҳеч ким четдан туриб ҳукм ўтказолмайди, ишқ-муҳаббатни режалаштириб ҳам бўлмайди.

Лекин бир савол пайдо бўлмоқда. Бир қарашда тасодифий бўлиб туюлаётган бундай воқеалар, мисоллар сони кўпайиб, улар одатга айланиб кетмаяптими? Нима учун шу вазирнинг ўғли, айтайлик, оддий деҳқон қизига кўнгил боғлаб, унинг муҳаббати алангасида ёнмас экан?

Ёки нега ҳокимнинг қизи оддий бир оиладан чиққан, ақлли-ҳушли, одобли, ўқимишли полвон йигитга кўнгил қўймас экан?

Бундоқ ўйлаб кўрилса, бу ерда бир сиру синоат бордирки, балки биз ундан бехабар қолгандирмиз?

Балки буни тушуниш учун анча-мунча бош қотириш лозимдир?

Бу ҳақда, аввало, биз — ота-оналар ўйлашимиз керак. Халқимиз — меҳрли-оқибатли халқ. Модомики шундай экан, меҳр билан биргаликда оқибатни ҳам унутмаслик керак.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан жуда кўплаб келаётган хатлар ва хабарлардан маълум бўлмоқдаки, халқимиз Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашлари сессиясида билдирилган кескин танқидий фикрларга батамом хайрихоҳлик билан қарамоқда. Салбий ҳолатларга ўз вақтида тегишли баҳо бериб, кадрларни тўғри танлаб олиш юзасидан белгиланган муайян тадбирларимизни қўллаб-қувватламоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш йўли билан мавжуд иллатларни тугатишга қаратилган мақсадимиз миллионлаб ватандошларимизнинг қалбига бориб етди, уларга қанот бағишлади, деб айтсак асло муболаға бўлмас.

Жамоат назоратининг туб моҳияти шулким, барча жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари, халқ депутатлари ва фаоллар, борингки, ёшу кекса, эркагу аёл — ҳамма ватандошлар бир ёқадан бош чиқариб, амалга оширилаётган ислоҳотлар суръатини, уларнинг сифатини, ислоҳот бошида турган раҳбарларнинг ғайратини, лаёқатини холисона ўрганиб, холисона назорат қилиб, уларнинг ютуқларини эътироф этиб, камчиликларини рўй-рост очиб ташлашимиз керак.

Келажакда давлат органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич, аста-секинлик билан нодавлат ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бериб бориш лозимлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда.

Шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлиснинг яқинда бўладиган сессиясига "Ноҳукумат ташкилотлари тўғрисида"ги ва янги таҳрирдаги "Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаси муҳокамага киритилди.

**Бугун ҳаётнинг ўзи жамоатчилик ташкилотларининг нафақат назорат қилиш вазифасини кучайтириш, балки уларнинг ваколат ва ҳуқуқларини янада кенгайтиришни талаб қилмоқда.** Мана шу йўл билан биз демократик қарашлар ва тафаккуримизни шакллантиришга эришамиз. Буни барчамиз яхши англаб олмоғимиз даркор.

Бу ишларни амалга оширишда жамоатчилик билан бир қаторда оммавий ахборот воситаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳаётимизда содир бўлаётган салбий ҳолатларни очиб ташлашда, уларга қарши курашишда журналистларимизнинг қатъий ва муросасиз бўлишлари талаб этилади. Одамларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишда, қабул қилинаётган қонунларни, ҳукумат қарорлари моҳиятини кенг оммага тарғиб қилишда улар янада фаол бўлишлари лозим, дея таъкидлади Президент.

Яна бир муҳим масала — аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий мавқеини янада юксалтириш, уларнинг обрў-эътиборини, иззат-икромини жой-жойига қўйишдир.

Ҳадисларда "Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хўрлайди" деб бежизга айтилмаган. Аёлларни иззат-икром қилиш, улуғлаш, ардоқлаш, оғирини енгил қилиш — ота-боболаримиздан қолган муқаддас удумдир.

Биз бугун шу қутлуғ удумни давом эттириб, меҳру муҳаббат ва нафосат тимсоли бўлмиш оналаримизнинг, жуфту ҳалолларимизнинг, опа-сингилларимизнинг, бир-биридан гўзал оқила қизларимизнинг жамият ва оиладаги ўринларини, мавқеларини янада юксалтиришни ният қилиб, келгуси йилни "Аёллар йили" деб эълон қилдик, деди Йўлбошчимиз.

Оллоҳ уларни шундай яратмишким, аёллар ўз ақлу идроки, меҳрибонлиги, шафқату оқибати, сабру қаноати билан ҳаммамизга ибрат бўлиб, оиладаги, жамиятдаги, борингки, бутун дунёдаги мувозанатни сақлаб турадилар.

Модомики шундай экан, аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланиши даркор.

Тошкент вилоятининг мамлакатимизда тутган ўрни салмоқлидир. Бу ҳол вилоят аҳлининг, вилоят раҳбариятининг, хусусан, бугун сайлаб ва тасдиқлаб олинадиган янги ҳокимнинг зиммасига алоҳида масъулият юклаши табиийдир.

Тошкент вилояти аҳли олдида турган ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бажарилиши лозим бўлган катта вазифалар ҳали жуда кўп. Вилоят аҳли бағри кенг, қалби қайноқ, ғурурли ва адолатли халқдир, деди Президент пировардида. Унинг меҳнатсеварлиги, шижоати ва ғайратини биз жуда яхши биламиз. Катта бунёдкорлик ишларини амалга оширишига ишонамиз.

Бугун биз ютуқлар ҳақида эмас, мавжуд нуқсонлар ва муаммолар тўғрисида кўпроқ гапирдик. Айтилган танқидий фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб, аҳиллик билан, бир ёқадан бош чиқариб, сидқидилдан меҳнат қилиб, ишни замон талаблари даражасида ташкил этилса, вилоятнинг илгариги юксак шуҳрати қайта тикланишига ва бу вилоятнинг бошқа ҳудудлар учун ибрат бўлишига ишончим комил.

**(ЎзА)**

# ИСТИҚБОЛГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

мўлжалланган бўлиб, келгуси йил давлат бюджетида ҳам ўз аксини топган. Аниқроқ қилиб айтганда, 1999 йил давлат бюджети лойиҳасида академик лицей ва коллежлар қуриш учун 30 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Ҳолбуки, олдинги йилларда бу мақсадлар учун маблағ ажратилмаган. Эндиликда республикамиз Президенти таъкидлаганидек ҳар бир вилоятда дунё стандарти талабларига тўла жавоб берадиган энг замонавий лицейлар ва коллежлар қад кўтаради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу қурилишлар учун маблағ ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар ҳисобига эмас, балки бюджетнинг махсус капитал тушумлари манбаидан сарфланади.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, бу соҳани ривожлантириш учун 1999 йилги давлат бюджети лойиҳасида ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп маблағ ажратилган. Худди шундай — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадларида аҳоли омонатларини индексация қилиш учун ҳам етарли маблағлар ажратилган.

**— Мустақил юртимизнинг бюджет сиёсати бошқа мамлакатларнинг бу борадаги сиёсатидан қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?**

— Аввало, бизда даромадлар ва харажатлар ҳар томонлама пухта ҳисоб-китоб қилинади, яъни даромад қайси манбадан олинади-ю, қайси мақсадларга сарфланади, ҳаммаси аниқ ишлаб чиқилади. Қолаверса, айрим Ҳамдўстлик мамлакатлари каби биз бюджет камомадини чет элдан жалб қилинган маблағлар ҳисобига қопламаймиз. Бюджет сиёсатимиз бошқа мамлакатларнинг бу борадаги сиёсатидан ана шу жиҳатлари ва олдиндан ишлаб чиқилган аниқ дастурлар асосида ташкил этилганлиги билан фарқ қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик иқтисодий барқарорликка кафолат бўлаяпти. Шу боис ҳам хорижлик сармоядорлар ўз маблағларини айнан Ўзбекистонга жойлаштиришни исташмоқда. Негаки, бу ерда уларга сиёсий ва иқтисодий кафолат бор. Қолаверса, биз Йўлбошчимиз таъбири билан айтганда, улардан ёрдам сўраб чақираётганимиз йўқ. Аксинча, улар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш учун имконият яратиб бераяпмиз.

Хуллас, 1999 йил давлат бюджети лойиҳасида барча соҳаларни ривожлантириш учун етарли миқдорда маблағлар ажратиш кўзда тутилган. Олий Мажлис сессиясида депутатлар муҳокамасидан сўнг у янада мукаммаллашади. Бир сўз билан айтганда, бюджет истиқболга хизмат қилиши учун барча асослар яратилади.

**«Халқ сўзи» мухбири Абдуҳошим МАДАТОВ суҳбатлашди.**

# ОЛОВУДДИН, ШАМЧИРОҒИНГ ЎЧИРМА!

***Қадимий Шарқнинг бетакрор эртакларидан бири — «Оловуддиннинг сеҳрли шамчироғи»ни ҳаммамиз севиб ўқиганмиз. Саргузаштларга бой ушбу эртак асосида яратилган фильмни завқ билан томоша қиламиз. Талқин этилган эзгулик, одамлар бахти учун ёғду таратиш истаги Сизнинг ҳам бутун вужудингизни қамраб олади. Қалбида озгина бўлса-да, инсоний меҳри бор одам ўзини Оловуддин билан ёнма-ён қўйгиси келади. Бизнинг бу ўхшатишларимиз, эҳтимол, кимгадир эриш туюлар, бироқ биз бепоён мамлакатимиз шаҳару қишлоқларига табиий газ етакловчиларни Оловуддинга менгзадик.***

Аммо эртакдаги сеҳрли куч, ҳар нарсага ҳозиру нозир Девнинг кароматларини юртимиз баракаси, истиқлол куч-қудрати, шуурига қиёс қилиш инсофдан бўлармикин?

Ер ости ва устки бойликлари билан машҳур жаннатмонанд ўлкамизнинг Бухоро ва Қашқадарё чўллари бағридан отилиб чиққан табиий газ манбаларини ўзлаштиришга киришилган 60-йилларнинг бошларида кўҳна Кармана шаҳри атрофидаги қишлоқларда шундай афсона тарқалган эди: эмишки, Бухоро яқинида ер остидан олов отилиб чиқибди. У шундайин сеҳрли қудратга эгаки, ким чиндан, қалб-қалбдан истаса, ўша олов унинг ҳузурида, кўз ўнгида гур-гур ёнармиш. Ўтин-чўпсиз. Оловуддиннинг сеҳрли шамчироғи... Биз болалар бунга чиппа-чин ишонардик.

Газлида табиий газ чиққанлиги рост. Бироқ бу ер ости жавоҳирлари тўғри Уралга етиб борганлиги, ундан сўнг «Дружба» («Дўстлик») деб аталмиш қувур орқали Европага чиқиб кетганлиги ҳам ҳақиқат эди. Обрўталаб раҳбарларнингми ёки Москвадан қўйилган вакилларнинг айби биланми, билмадиг-у, аммо мамлакатимиз кўпгина шаҳар ва қишлоқлари табиий газдан мосуво қолди. Ўша вақтлари Бухоро вилояти ҳудудига кирувчи навоийликларнинг истиқомат жойлари шу ҳолича қолиб кетди. Кўникишга маҳкум этилган одамлар Уралда бизнинг газимиз ёнади, деб юришарди. Ҳатто фахрланиб ҳам қўйишарди.

Бу ҳақда маталлар тўқилди, қўшиқлар куйланди. 1969 йилгача ҳудуддаги Бухоро ва Навоий шаҳридан ташқари 7 фоиз аҳоли истиқомат жойлари газлаштирилганлиги ҳақидаги маълумотларни расмий идоралар архивларидан топдик.

Навоий вилояти қайта ташкил этилган 1992 йилнинг феврал-март ойидан бошлаб «Оловуддин»лар, яъни вилоят газ хизмати ходимлари биринчи галда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 28 июлдаги «Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги Фармони ижросига киришишди. Шахсан Президентимиз назоратга олган ҳаётий масалани орқага суриб бўладими, ахир?

Вилоятнинг ҳозирги ҳудудини табиий газ билан таъминлашга киришилганига 21 йил бўлди, шу давр мобайнида жами 1019 чақирим қувур ётқизилиб, 48 минг хонадон газлаштирилган бўлса, **1992 йилдан жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида 1550 чақирим газ қувури ётқизилган. 52649 хонадон табиий газдан баҳраманд бўлган. Етти йил ичида ўтган 21 йилга қараганда 1,5 баравар кўп иш қилинган.** Бу мустақиллигимиз, истиқлолнинг одамларга берган неъмати эмасми? Ким ўйловди, етти йил аввал, аҳоли зич жойлашган жойлар тугул, яйловдаги Конимех овуллари, олис Хатирчи қишлоқлари, тоғли Нуротадаги истиқомат маконларида табиий газ ёнади деб!

Сўнгги маълумотларга қараганда, **газлаштириш даражаси Навоий туманида 97,6 фоиз, Қизилтепа туманида 96,6 фоизни ташкил этади. Атиги икки йил ичида тоғли Нурота тумани 33,8 фоиз табиий газ билан таъминланди. Бир йил аввал республика Олий Мажлисининг X сессиясида фақат 11 фоиз газлаштирилганлиги учун танқид остига олинган Навбаҳор туманида бу кўрсаткич 41,6 фоизга чиқди.**

Вилоятда асосан қоракўлчилик билан шуғулланадиган Конимех туманида икки йил мобайнида 41,5 фоиз газлаштириш мумкинлигини конимехлик чорвадорлар етти ухлаб тушларида кўрмаган. 1997 йил бошида бу кўрсаткич атиги 2,2 фоиз эди. Тумандаги Ҳамид Олимжон номли, «Чордара», «Сарибел», «Шўркўл» жамоа хўжаликлари марказий қўрғонлари тўлиқ газлаштирилди. Эндиликда табиий газ қувурлари олис овулларга ўрламоқда. Негаки, биргина «Навоийқоракўл» корхонасига қарашли хўжаликлар йил охиригача 35 чақирим газ қувури ётқизишни режалаштирганлар.

«Сарибел»да қарилик гаштини сураётган 95 ёшли Тохтар оқсоқол хонадонида меҳмон бўлдик.

— Қўноқларга чой келтир, — деди отахон хонадонга кирганимизданоқ, ҳовли саҳнида хизмат қилиб юрган сулув келинчакка юзланиб.

Қозоқларнинг чойи сутсиз татийдими? Бир зумда ҳозирланган чой бия сути аралаштирилган ҳолда дастурхонга тортилди.

— Укематга, елим деб, журтим деб, бас қатирған Президентға-де улкен раҳмет. Қуйнинг қийидан-да, сексавулдан-да босқа ўт қалаштирувға нерсе топмаған чўпон-чўлувдин капасинда газ жаниб турса, айтувға осон, қароқларим... — дея отахон фотиҳага қўл очди.

Вилоятда 1998 йилда 260 чақирим масофага газ қувурлари ётқизиш режалаштирилган эди. Шунинг 42,5 чақирими давлат бюджети маблағи ҳисобига амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида 80 чақирим масофадаги газ тармоқлари қуриб битказилди. Ўтган давр мобайнида 18,16 миллион сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. Асосий таъмирлаш ишларини «Ўзбекгазқурилиш — 2» газ трестининг иккинчи сон махсус механизациялашган кўчма колоннаси ва «Навоийвилоятгаз»га қарашли хўжалик ҳисобидаги монтаж участкаси қурувчилари амалга оширмоқдалар. Вилоят бўйича аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси 67 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, Конимех туманидаги Момиқчи станциясида аҳолини суюлтирилган газ билан таъминловчи пункт 3 йилдан буён ишлаб турибди.

«Навоийвилоятгаз» бошқармасига борган кунимиз бошлиқ Баҳриддин Рўзиевни қурилиш бўйича ўринбосари Эркин Ҳамдамов хонасида учратдик. У олдидаги харитани олиб, ўринбосарга уқтираётган экан:

— Хатирчидаги диаметри 159 миллиметрли қувурни туманнинг охиригача етказишга 800 метрча масофа қолибди. Бир «ҳайт» билан бу иш ниҳоясига етади. Бироқ Навбаҳордаги 219 миллиметрли асосий қувур магистрали ниҳоясига етиб бориши учун ҳали 23 чақиримдан ошиқ масофа бор. Вақт ўтиб бораяпти. Белгиланган вақтга улгуролмасак-чи, деган ҳадикдаман, Эркинжон, сиз қандай фикрдасиз?

— Режамиз аниқ, гап маблағда қолди. Қолгани ўзимизнинг ғайратимизга боғлиқ.

— Тўғри айтасиз, бизда икки туман газ трассаларини бир-бирига қўшиб юбориш ғояси ҳам йўқ эмас. Ана шундай қилинганда, биласизми, ҳар иккала трассада ҳам газ босими 12 атмосфера босимидан кам бўлмайди.

Газ трассаларини туманлар чегарасигача олиб бориш дегани нимани англатади? Гап шундаки, аҳолиси 140 минг нафарга яқинлашган Хатирчи тумани ёки аҳоли нуфузи 70 минг нафардан ошган Навбаҳор туманлари қишлоқларида асосий трассалар ўтказилгандан сўнг хўжаликлар ҳисобига табиий газ қувурлари тортилиши тезлашади. Ана ўшанда вилоят бўйича аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси йил охирига бориб, 85-90 фоизга етади.

Қисқаси, замонавий «Оловуддин»ларнинг нияти шундай. Холис ниятда эса гап кўп: «Оловуддин, шамчироғинг ўчмасин!»

**Парда ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

## ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Яқинда Бельгия ташқи савдо идорасида (БТСИ) «Бельгия – Марказий Осиё» бизнес-клубининг Ўзбекистонга бағишланган иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда БТСИ бош директори муовини Э. Гоффен, бизнес-клуб раиси Ж. Ванвилдемеерш, қирққа яқин ширкат ва компаниялар вакиллари, Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси ходимлари иштирок этдилар.

Ҳозир бўлганлар мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, инвестиция муҳити ва қонунчилик асослари, хусусан, «Давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий капитални жалб этишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ҳукуматнинг охирги қарори ҳамда Ўзбекистоннинг 2005 йилгача экспорт салоҳиятини ривожлантириш давлат дастурида назарда тутилган инвестиция лойиҳалари билан танишдилар.

## ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ

***Экиш учун илгари номақбул бўлган тепаликларни ўзлаштириш бўйича Хитой тажрибаси жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари учун муҳим аҳамиятга эга. Аҳолининг ҳаддан ташқари кўплиги ХХРда ғалла, пахта, зайтун ва мева ҳосилдорлигини ошириш, бу масалани ижобий ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқдир.***

Адирларни кўчириш ишлари катта маблағ сарф қилишни талаб этади. Лекин жойлардаги баъзи ишбилармон раҳбарлар бу масала ечимининг ажойиб йўлини ўйлаб топдилар. Тепаликлар имтёзли шартлар асосида пишган ғишт ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи ишбилармонларга ижарага берилди. Шартнома шартларига мувофиқ, бундай ижаранинг муддати имтиёзли асосларда белгиланган. Ўтказилган тадбирлар ўта самарали бўлди.

Бу соҳада Хэнань вилоятининг Сюньҳуа қишлоғида катта натижага эришилди. Ғиштни пиширишга мослаштирилган 150 та ўтхонанинг қурилиб ишга туширилиши меъморчилик ишларининг кўпайиши ва яхши иш ҳақи тўланадиган янги жойларнинг пайдо бўлишига имкон берди. Қисқа вақт ичида катта сарф-харажатсиз яқин атрофда жойлашган тепаликлар йўқ қилиниб, улар эгаллаб турган 200 гектар янги ерлар ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилди. Бу ерларнинг асосий қисми ғалла экиш, қолгани эса мевали дарахтлар ўтқазиш ва балиқ етиштириш учун сув ҳавзалари барпо этишга мослаштирилди.

Шу йилнинг ўзида бу ерлар қишлоққа 50 млн. юан (6 млн. АҚШ долларига яқин) миқдорида қўшимча даромад келтирди. Янги майдонлар ҳисобига ғалла ҳосили ҳажми 750 тоннага ошди.

### ТИЛ БИЛГАНГА НИМА ЕТСИН

2000-йилги Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган Австралиянинг Сидней шаҳри таксичилари бир неча хорижий тилда бемалол суҳбатлаша олади. Бу олимпиадага келган меҳмонлар учун такси хизматидан фойдаланишда анча қўл келади, дейишмоқда тадбир ташкилотчилари.

### ТАШВИШЛАНМАЙ БЎЛАДИМИ

Дунё бўйича ҳар йили 180 мингдан ортиқ киши нафас қисиш касаллиги туфайли ҳаётдан кўз юмади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шундай маълумот тарқатди. Ташкилот эълон қилган баёнотда ҳозир мазкур касаллик кенг тарқалиб бораётганидан жиддий ташвиш билдирилган.

### ОБ-ҲАВО САБАБМИКИН?

Франциянинг Югославиядаги элчихонасида хизмат қилаётган уч нафар дипломат Косовода транспорт ҳалокатига учраб, ҳалок бўлди.

Ҳалокат сабаблари ҳали аниқ эмас, лекин полиция бунга об-ҳавонинг ёмонлиги сабаб бўлган, деб тахмин қилмоқда. Чунки айни пайтда Косово ўлкаси қалин қор остида.





СУРАТЛАРДА: Берлин шаҳри манзаралари.

## ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ УРИНИШ

Фаластин аҳли АҚШ Президенти Билл Клинтонни тантанали равишда, кўтаринки кайфиятда кутиб олди. Фаластинликлар учун бу ташриф худди уларнинг давлатчилигини тан олишдек бўлиб кўринди. АҚШ Президенти Билл Клинтон учун эса бу сафари режадаги тинчлик жараёнини амалга ошириш, вазиятни боши берк кўчадан олиб чиқишга бир уриниш эди, десак янглишмаймиз.

Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги шаҳар шу кунларда яна худди фаластинликларнинг Исроил босқинчилигига қарши исёни давридагидек аччиқ тутун билан қопланган. Исроил патруллари оломон устидан елим ўқлар ёмғирини ёғдирмоқда. Натижада бу тартибсизликлар оқибатида тўрт нафар фаластинлик ҳалок бўлди, ўнлаб кишилар яраланди.

Фаластинликлар Исроил Бош вазири Нетаньяҳудан икки ярим минг атрофидаги сиёсий маҳбусни озод қилишни талаб қилдилар. У эса исёнчиларни террорда айбламоқда.

Нетаньяҳу Фаластиндан Исроил армиясини олиб чиқиб кетишни вақтинча тўхтатди. У Арофатдан Фаластин давлати мустақиллигини кейинги йил май ойида эълон қилмасликни, Фаластин Миллий Кенгаши (ФМК) – қувғиндаги Фаластин парламенти миллий партиясининг 1964 йилда қабул қилинган Исроилни йўқ қилиш ҳақидаги дастурий қисмидан воз кечишни сўради. Шунингдек, Исроил Бош вазири Арофатдан ўз полициясини сонини қисқартириш ҳамда фаластинлик аҳоли ўртасида ноқонуний равишда сақланаётган куролларни мусодара қилишни талаб қилмоқда.

Бу бегемотни батқоқдан олиб чиқишдек мураккаб иш.

Ғазо секторининг Шаво маданият марказида йиғилган ФМК делегатлари Клинтон иштирокида ўтказилган йиғилишларида бир овоздан Арофат тутган йўлни ва Хартияга ўзгартириш киритишни қўллаб-қувватладилар.

Ёсир Арофат Исроил Бош вазири билан келишув учун ўз мавқеини ўртага қўйди ва катта силжишга эришди. Лекин бунинг эвазига қандай амалий натижага эришилганини вақт кўрсатади.

### Қачон? Қаерда?

#### РАКЕТАНИ КИМ ОТДИ?

*Кобулнинг шимолий қисмида кучли портлаш содир бўлди. Ҳаво ҳужуми натижасида 16 киши ҳалок бўлди. 70 киши оғир яраланди. Афғонистон пойтахтидан тарқатилган хабарга кўра, Қалайи Патула туманида 3 та ракета портлаган. Шулардан бири йўловчи тўла автобусга келиб тушган.*

*Жароҳатланганларга Кобул шифохоналарида етарлича ёрдам кўрсатишнинг иложи бўлмади. Сабаби аён – зарур дори-дармонлар танқис.*

*Толиблар ҳаракати раҳбариятининг таъкидлашича, ракета ҳужуми мухолифат бошлиғи Аҳмад Шоҳ Маъсуд қўшинлари томонидан содир этилган. Бироқ, ҳозирча ушбу даъво ўз тасдиғини топмади.*

#### ЁЗУВЧИЛАРГА СУИҚАСД

*Теҳрон атрофида Эрон ёзувчиси Пуяндеханинг жасади топилди. Ёзувчининг қариндош-уруғлари таъкидлашига кўра, у бўғиб ўлдирилган. Ўтган ҳафта эса шаҳарда эронлик шоир Мохтарининг ўлдирилганлиги хусусида хабар тарқалганди. Эронлик яна бир ёзувчи Давани эса изсиз йўқолди. Сўнгги икки ҳафта мобайнида Эронда 3 нафар маданият арбоби қурбон бўлди.*

#### ОММА ОЛДИДА ҚАТЛ ЭТИЛДИ

*Покистонда қотилликда айбланган жиноятчига нисбатан ўзгача ўлим жазоси қўлланилди. Яъни, қотил омма олдида, ўлдирилган кишиларнинг қариндош-уруғлари кўз ўнгида қатл этилди.*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

● **МАДРИД.** Испания пойтахтида Босния ва Герцеговина бўйича 4-халқаро конференция бошланди. Унда 57 мамлакатдан ҳамда халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этмоқда.

Иштирокчилар икки кун давомида Босния ва Герцеговина тинчлик шартномаси қай даражада бажарилаётгани, минтақанинг иқтисодий аҳволи, у ерда инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, қочқинлар билан ишлаш ва бошқа кўплаб масалаларни муҳокама қиладилар.

* * *

● **НЬЮ-ЙОРК.** БМТ маълумотига қараганда, жорий йилда дунёда қочқинлар сони 22 миллион кишига етган. Уларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун эса 1999 йилда камида 900 миллион АҚШ долларига яқин миқдорда маблағ зарур бўлади.

Қочқинлар ортиб бораётганининг асосий сабаби айрим давлатларда содир бўлаётган нотинчликлардир. БМТ вакилининг айтишича, бундай миқдордаги маблағ асосан турли ташкилотлар ва оддий инсонлар ёрдами асосида йиғилади.

* * *

● **ТОКИО.** Шимолий Атлантика ҳарбий блокига уч Болтиқбўйи давлатининг қабул қилиниши бўлажак асрда Европада барқарор вазият қарор топиши, зўравонлик ва нотинчликларнинг бартараф қилинишида муҳим аҳамият касб этади. Латвия Президенти Гунтис Улманис Японияга ташрифи чоғида шундай фикрларни баён қилди.

* * *

● **БОГОТА.** Эквадор Президенти Жамил Мавод ЮНЕСКОнинг тинчлик мукофотига сазовор бўлди. Бу халқаро мукофот унга Эквадор билан Перу ўртасида юзага келган ҳудудий қарама-қаршиликни тинч йўл билан бартараф қилишдаги фаоллиги учун берилди.

Ҳудудий келишмовчиликлар сабаб бу икки қўшни мамлакат ўртасида бир неча бор қуролли тўқнашув юз берган эди. Жорий йилнинг октябрь ойида Эквадор президентининг ташаббуси билан икки мамлакат ўртасида тинчлик битимига имзо чекилди.

**(«Жаҳон» АА, ЎзА ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди).**






1253

